

ТОШКЕНТ ОЖШОМЖИ

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Банкар уюшмасининг «Барака» универсал лизинг компанияси «Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини фаоллаштиришда лизингнинг имкониятлари ва истиқболлари» мавзусида семинар ташкил қилди.
- Наманганда «Намқоғоз» қоғоз ишлаб чиқариш фабрикасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.
- Пойтахт вилоятининг Бўка туманида янги гишт заводининг биринчи навбати ишга тушди.
- Сирдарё вилояти маркази — Гулистон шаҳрида 120 ўринга мўлжалланган болалар шифохонаси қуриб битказилди.
- Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдан ташқари бўлиб ўтган пленумида илк бор судьялик тайинланган 70 нафарга яқин судья қасамдە қабул қилди.
- Хазорасп туманида узунлиги 21,6 километрик янги Питнак канали фойдаланишга топширилди.
- Қашқадарё вилоят прокуратураси томонидан ташкил этилган «Конституцияни қиммат қилиш» мавзусидаги ишловлар танловига ўрта махсус ўқув юртлирининг ўқувчилари иштирок этдилар.
- Жалолқудуқ туманидаги Алимийдон қишлоғида қамқонлик ҳасталиғига учраган болалар учун махсус интернат фойдаланишга топширилди.
- Ангрэндаги 9-шахтада янги, тўртинчи бўлим ишга тушди. Йилга 60 минг тонна кўмир берувчи ушбу ишоот қончиларнинг Мустақиллигимизнинг 10 йиллигига муносиб совғасидир.
- Хоразмда 8-миллий мумтоз ва халқ кўшиқлари ижрочиларининг вилоят кўрик-танлови яқундади. Танлов ғолиблари деб топилган Ш. Алимовага бош соврин — Хумо қушининг ҳайкалчаси ва 100 минг сўм миқдоридagi пул мукофоти топширилди.
- Норин туманидаги 6 ва 29-ўрта мактабларнинг ўқувчилари барча қўлайликларга эга стадион ва спорт анжуманларига эга бўлдилар.

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 31 (9.528) 2001 йил 14 март, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ
Янгиликлар, воқеалар
ТАРАДДУД

НАВРЎ
Бир олам завқ улашилади
НАШИДАСИ

Мана диёримизда гўзал ва фусункор баҳор фасли бошланиб, унга Наврўз шодиёналари уланмоқда. Дилларда, тилларда Наврўз нашидаси. Согинча кутганимиз Наврўз тантаналарига ҳам санокчи кунлар қолди. Хамма жойда бу айёмни яна ҳам шодиёна, кўтаринки руҳда ўтказиш учун қизгин ҳозирлик кўришмоқда. Пойтахтимизда Наврўз байрамига қандай таратилди кўришмоқда, унда қимматли иштирок этиши, қандай томошалар намойиш қилиниши хусусида Наврўз тантаналарининг бадий раҳбари ва бош режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофотининг совриндори Рустам Ҳамидов куйидагиларни гапирди берди:

— Истиқлолимизнинг ўн йиллик тўйи нишонланадиган ушбу йил — янги аср бошланган байрамларимизга байрамлар уланмоқда. Мана Наврўз байрамига ҳам оз фурсат қолди. Бу шодиёна байрамни катта кичик интизорлик билан кутмоқда. Бу йилги Наврўз тантаналари ҳар йилдагидан бирмунча фарқланади.

Ҳар доимгидек байрам тантаналари шаҳримизнинг энг кўркам ва файзли Алишер Навоий номидаги Миллий богда ўтказилди. У ерда шаҳар ҳокимияти томонидан амфитеатр сахнаси яратилди. Илгари бу жойда фақат Наврўз тантаналари ўтказилган бўлса, ҳозир эса турли қизиқарли тадбирлар, концерт ва шоулар ўтказилмоқда.

Бу йил Президентимиз томонидан Оналар ва болалар йили деб эълон қилинди. Шу сабабли байрам томошаларида ушбу мавзуга кўпроқ эътибор қаратилган. Дастуримизда болаларнинг энг кўзга кўринган бадий жамоалари «Томоша», «Севинч», «Ором», «Булбулча» дасталари, хореография билим юрти талабалари қатнашди. Икки соатлик дастуримизда 10 мингдан ортиқ иштирокчи қатнашди. Шунингдек, «Ўзбекнаво», «Ўзбекрақ», «Ўзбектеатр» бирлашмаларининг бадий жамоалари, Қорақалпоғистон Республикаси ва ўн икки вилоятдан ташриф буюрган фольклор этнография жамоалар ҳам байрамда ўз дастурлари билан қатнашди. Албатта дастурда ўзбек миллий эстрадаининг ёши, иккиталдорли талантини, оммавий сахналарда эса мактаб ва лицей ўқувчилари, бир неча институтларнинг талабалари ҳам иштирок этдилар.

Байрамнинг асосий концепцияси — Баҳор, Наврўз, Янги кун, Янги йил, деҳқончилик ишларининг бошланишидан иборат.

Бундан ташқари байрам шодиёналари кунни шаҳримизнинг энг катта бот ва майдонларида ҳам сахналар ўрнатилиб, бадий жамоаларнинг байрам дастурлари эртдан кечгача давом этади.

Маълумки, Наврўз байрамида албатта янги-янги ишловлар қурилиб, ободончилик ишлари авж олади, савдо расталари қурилиб, миллий чойхоналар барпо этилади. Асосий мақсадимиз ҳамма ерда байрамнинг ҳақиқий шодиёнаси ҳукм сурсин. Байрамнинг яна ҳам мазмунли, шодиёна руҳда ўтиши учун барча шароитлар яратилмоқда.

Бу ишларга раҳбарлик қилаётган Наврўз штаби бўлиб, бу штабда бир неча ижодий ва ташкилий гуруҳлар иш олиб боришмоқда. Штаб раҳбари, Маданият ишлари вазирининг ўринбосари Баҳодир Абдураҳимов, сценарий муаллифи Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, мусика раҳбари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Б. Луфтуллаев, бош балетмейстер Ўзбекистон халқ артисти Қ. Мўминов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари Ю. Исмаилова, Ш. Аҳмедов ва бошқалар, жами 100 дан ортиқ мутахассислар Наврўз шодиёналарининг янада файзли, мазмунли ўтиши учун ҳаракат қилмоқдалар.

Байрам дастурини шунингдек, буюк аллома Алишер Навоийнинг 560 йиллигига бағишлаб Навоий вилоятининг чиқишлари, «Авесто»нинг 2700 йиллигига бағишлаб бадий сахналар яратилмоқда.

Уйлаймишки, Наврўз тантаналари халқимизга олам-олам завқ-шавқ, беқиёс шодликлар бахш этади.

Дилором ИКРОМОВА эътибор олади.

Қисқалда

□ **ДИЙДОР**» фотогалереясида она-бола расмлар Лариса Черинкова ва Яна Гумированинг яшариш, янгилини айёми бўлмиш Наврўзга соғва сифатида тайёрлаган суратлари кўргазмаси ўтказилмоқда. Шуниси эътиборлики, кўргазмадан ўрин олган суратларнинг кўпчилигида уйғонил фасли бўлмиш баҳор манзаралари маҳорат билан тасвирланган.

□ **КИНОЧИЛАР** уйда Тошкентдаги турли ўқув юртиларида тахсил олаётган талабаларнинг кўрсаткичи Солижон Шарипов билан учрашуви ўтказилди. Ушбу тадбирни «Ориент» деб номланган тохик миллий маданият маркази уюштирди.

□ **ҲАМЗА** туманининг ҳар бир маҳалласида «Маънавият ва маърифат» кенгашининг ташаббуси билан Наврўз байрамни миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналарга амал қилган ҳолда ўтказишга бағишланган маҳаллалар фаоллари иштирокчидаги учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

□ **ШУНИНГДЕК** Чилонзор туманидаги 13-кутубхона ходимлари ҳам Наврўзга муносиб кутиб олишга тайёргарлик ишларини бошлаб юборишган. Кутубхона ходимлари айнан 21 март кунни миллий, баҳорий томошлар — сумалак, кўк сомса тайёрлашга аҳд қилишган.

□ **ЮРТИМИЗДА** ҳар байрам арафасида аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида бирор-бир янги бино, кўприк ёки бошқа ишоотни қуриб битказиш бунёдкорларга одатий ҳолга айланган. Яқинлашиб келаётган Наврўз айёми арафасида Шайхонтоҳур туманидаги «Белтепа», Ибн Сино, «Жарарик» маҳаллалари аҳолиси шу маҳаллалар ҳудудларидан Ибн Сино бозорига борадиган янги трамвай қатновининг ишга тушишидан баҳраманд бўладилар. Айни кунларда янги трамвай йўналишидаги ишлар ниҳоясига етказилмоқда.

□ **ТОШКЕНТ** Кимё технология институтида мазкур илм даргоҳининг 10 йиллигига бағишланган тадбир ўтказилди. Ушбу тадбирнинг серфаси ўтишига Ўзбекистон телерадиокомпанияси қрошидаги Фанихон Тошма тов номидаги дуторчилар ансамбли хонандалари дилрабо куй-қўшиқлари билан муносиб ҳисса қўшишди.

□ **СОБИР** Раҳимов туманида «Волу Fagm» хусусий фирмаси аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида Абдураҳмонов кўчасидаги 6-ўйда хусусий дорихона очди. Оналар ва болалар йилига муносиб тўғфа сифатида иш бошлаган мазкур дорихонанинг махсуслотлари шаҳримиздаги қорша хусусий дорихоналардан анча бозорлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

□ **ҲАМЗА** туманидаги 43-оилавий шифохона ходимлари тумандаги Охунбобоев, Қўйлик Ота, Мукимий маҳаллалари билан ҳамкорликда «Саломатлик ва экология» мавзусида анжуман ўтказишди. Унда туман соғлиқни сақлаш бўлими вакиллари билан бирга бошқа шифохона ва поликлиникалардан ташриф буюрган меҳмонлар ҳам иштирок этишди.

□ **ЯҚИНДА** ўтказилган Тошкент дон махсуслотлари қасаба уюшмасининг навбатдаги тадбирида анжуман қатнашчилари яқинлашиб келаётган Наврўз айёмини муносиб кутиб олишга, айём кунни эса дошқозонларда сумалак, ош тайёрлашга келишиди олдилар.

□ **САҒБОН** «он» акциядорлик жамиятининг саховатмеша ишчи-хизматчилари байрам олдиди йилгилишида Наврўзи олам айёми кунни Собир Раҳимов туманидаги кўзи оқизлар, ноғиронлар ташкилотлариغا, 44-болалар ялғиси ва 10 дан ортиқ кам таъминланган меҳмага муҳтоқ оилалар аъзоларига моддий-маънавий кўмак беришни режалаштирдилар.

□ **ПОЙТАХТИМИЗДА** спортнинг «Турон» миллий яққа кураш тури бўйича ўинчи Республика чемпионати ўтказилди. Унда эрақлар 11, аёллар эса 10 вазнада ўзаро беллашишди.

«ТАШАББУС»
Ғолиблик чегара эмас...

КЕЧА
Собир Раҳимов туманида жойлашган «Сағбон» гузарига бўлиб ўтган тадбиркор ва хунармандларнинг бу йилги «Ташаббус» кўрик-танлов кенгаши байрамга айланган кетди. Танлов қатнашчилари ва ташриф кўрувчилар анъанавига қўра карнай сурнай садолари билан қарши олинди.

Кўрик-танловда иштирок этиш хайат аъзолари томонидан танлаб олинган 5 нафар тадбиркор ва 5 нафар хунармандга насиб этди. Улар томонидан ташкил этилган мўъжаз ва хунармандларнинг меҳнат фаолиятини акс эттирувчи махсуслотлар қўйилган бўлиб, иштирокчиларнинг ўзларидан барча қизиқарли батафсил маълумот олдилар.

Туман ҳокими Атамжон Миржалилов иштирокчиларга нафақат бугунги беллашувда, шунингдек мамлакатимиз иқтисодийни юксалтиришда муҳим ҳисса қўшишда омад тилади. Иштирокчилар 4 босқич шартлари бўйича хайат аъзолари томонидан баҳолаб борилди. Ҳар бир босқичнинг ўзига ҳокимиятлари бўлиб, унда тадбиркор ва хунармандларнинг ўз ишлари қандай бўлиши, ҳақ-ўқуқларини аниқлашди, келажак режаларидаги ташаббускорликларни зук-қолиқлари аниқланди.

Тадбиркорлар томонидан бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган сифатли махсуслотлар албатта юртдошларимизни қувонтиради. Чунки бундай махсуслотларнинг ўзимизда тайёрланаётганиги барча-барчасини, мустақил Ўзбекистонимизнинг ютуғидир. «Олмос тек» масъулияти чекланган жамиятида маҳаллий хом ашё — пахтадан тайёрланиб, Россияга экспорт қилинаётган махсуслот, «Этиқ» ҳамда «Махсум ота» хусусий фирмаларининг турли хил мебеллари, «Моби чинни» хусусий фирмасида ишлаб чиқарилаётган чинилар ўзининг сифати, кўриниши билан чет элликдан асло қолишмайди. Шу боис бўлса керак бу тадбиркорлар туман миқёсида яна бир бор ўзларини синаб, кўрик-танловда иштирок этдилар.

Шунингдек, керамикачи уста Наталья Осипова, чолғу асбоблари устаси Муҳаммад-назир Юнусов, ганч уймақори кўрсатишга, химоя қилишга тайёрдир.

Кўрик-танлов босқичлари навбатма-навбат яқун тоғга, ниҳоят барчанинг диққати хаяжонли лаҳзаларга қаратилди. Хайбат раиси ғолибларни эълон қилди. Туманда «Энг яхши тадбиркор» деб «Олмос тек» масъулияти чекланган жамиятининг ёш, ғайратли раҳбари Садриддин Исмоилов топилди. «Энг яхши хунарманд» номига эса «Голденганч» кичик қорхонаси раҳбари Мансур Муродов сазовор бўлди. Ғолиблар кўрик-танловнинг 1 даражали дипломлари, қимматбаҳо совғалар ҳамда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар қасаба уюшмасининг Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига сайёҳлик йўланмалари билан тақдирландилар. Эндиликда улар шаҳар «Ташаббус» кўрик-танловига туман шарафини химоя қиладилар. Иккинчи, учинчи ўрин соҳиблари ва барча иштирокчиларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

— Албатта, ғолиблик биз учун чегара эмас, — дейди «Энг яхши тадбиркор» Садриддин Исмоилов. — Мақсади-миз тадбиркорликни янада ривожлантириб, рақобатбардор махсуслотлар ишлаб чиқариб юртимизни бойитиш. Махсуслотларимизни четга экспорт қилиш орқали мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ортиришга муҳим ҳисса қўшиш ниятидаимиз.

Ҳа, чиндан ҳам юртимизда тадбиркорликнинг кенг куч оёлиши эртанги раванқимиз нишонасидир.

ШАРОФАТ БАҲРОМОВА
СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лавқалар.
Сергей Любич олган суратлар.

ВОҚЕА АРАФАСИДА
«Қўли гул уста» танлови

16 МАРТ КУНИ СОАТ 10.00 ДА ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИНING МАРКАЗИЙ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ ВА НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН «ҚЎЛИ ГУЛ УСТА» ЭНГ ЯХШИ ЁШ ХУНАРМАНДЛАР ТАНЛОВИНИНГ ЯҚУНИ БОСКИЧИ ЎТКАЗИЛАДИ

— «Қўли гул уста» танлови биринчи марта таъ ўтказилмоқда, — дейди ушбу тадбир ташкилотчиларидан бири, «Мусаввир» ишлаб чиқариш маркази ижодий бўлимининг бошлиғи Баҳодир Илёсов. — Танловнинг саралаш турлари 1 мартга қадар жойларда бўлиб ўтди. Унга 30 дан зиёд халқ амалий санъати йўналишидаги 2500 га яқин ишлар, жумладан заргарлик, кулолчилик, қандакорлик, гилам тўқиш, миниатюра, сандиқчилик каби йўналишлар бўйича ишлар тақдим этилди.

Шаҳар танловига 119 ёш хунарманд танлаб олинди, уларнинг ҳар бири 3-4 тадан ишлари билан яқуний босқичда иштирок этади. «Мусаввир» марказидан тасвир этилган ўғил-қизлардан учтаси танловга йўланма олди. Бундан ташқари, танловда Ўзбекистон Бадий академияси, «Усто» бирлашмаси, «Хунарманд» уюшмаси, Халқ таълими ва Ўрта махсус таълим бошқармалари томонидан кўрсатилган ижодкор ёшлар ҳам қатнашди. 58 ёш хунарманд Ўрта махсус таълим бошқармасига қарашли ўқув юртиларидан танлаб олинган. Ижодий ташкилотлар кўрсатган номзодлар унча кўп бўлмаганининг сабаби танловда, айтиб ўтганимдек фақат 20 ёшгача ёшлар қатнашиши мумкин. Шунинг учун ҳам «Усто», «Хунарманд» ва «Мусаввир» томонидан тасвир этилганлар асосан катта уста-хунармандларнинг шогирдлари, уларнинг фарзандларидан иборат бўлди.

«Қўли гул уста» танлови шаҳар миқёсида ўтказилган экан, мен бир ижодкор сифатида истардимки, у анъанавий тус олиб, кейинчалик республикага ҳам тарқалса, чунки бизнинг юрда истеъдодли ва иқтидорли ёшларимиз жуда кўп. Биз, катталарнинг вазифаси бор имкониятларини ишга солиб, шу жумладан шундай танловлар орқали бундай ниҳолларни излашга, янги номларни очишга бел боғласак айни мuddао бўлади.

Сухбатдош
Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА,
Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги
Матбуот хизмати ходими.

Жаҳонда

● Хитой Халқ Республикаси Хайнань вилоятининг Боао шаҳарчасида Осиё мамлакатлари ва Австралиянинг янги ноҳукумат минтақавий ташкилоти — Боао Осиё Форумининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди.

● **КЕЧА** Россия Президенти Владимир Путин Эрон раҳбари Муҳаммад Ҳотамий билан ўтказган мулоқотларидан сўнг қисқа фурсатли таътилга чиқди.

● Тожикистон парламентининг раҳбари М. Убайдуллаев икки кунлик ташриф билан Эронда бўлди ва парламентларо алоқаларни ривожлантириш юзасидан музокаралар олиб борди.

● Венесуэла Президенти Уго Чавес амалий ташриф билан Кубага келди.

● НАТОнинг ҳарбий қўмитаси раҳбари адмирал Гвидо Вентурони билан бўлган учрашув чоғида Арманистон Бош вазири Андраник Марқарян Арманистон Шимолий Атлантика Блокнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурида фаол иштирок этишини билдирди.

● **БУГУН** Россия Федерацияси Давлат думаси Н. Касьянов ҳукуматига ишончасизлик тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни режалаштирган. Бироқ ҳозир коммунистлар ва аграрчиларнинг ташаббуси кўпчилик фракциялар томонидан қўллаб-қувватланмаслиги аён бўлиб қолди.

● Туркменистон Президентининг Фармонида бинон Ашгабатдаги ҳамма кўчалар рақамлаштириладиган бўлди. Фақатгина Сапармурод Ниязов ва унинг қариндошлари номи билан боғлиқ бўлгандагина кўчаларнинг номи қолдирилди.

● **БУГУН** Остонада Қозоғистон раҳбарияти ва бу ерга келган Россия Федерацияси Президентининг махсус вакили В. Коложний ўртасида Қозоғистон нефтини элтиб бериш йўналишлари бўйича масалалар юзасидан музокаралар бўлиб ўтди.

● Озарбайжон Президенти Х. Алиев ўзининг Туркияга ташрифи чоғида ушбу мамлакат Президенти А. Н. Севез билан биргаликда бир қатор икки томонлама битимларни, жумладан Озарбайжон табиий газини сотиш тўғрисидаги битимни имзолади.

● **КЕЧА** Макаров тўпқончасидан ўз ўртолари томонидан қорнидан жароҳатланган москвалик биринчи синф ўқувчиси касалхонада вафот этди. Мактаб ўқувчилари кўчадан тўпқончи топиб олганларидан сўнг уни олиш учун бир-бирлари билан талашдилар. Ана шу пайтда болалардан кимдир тасодифан тўпқонча тепкисини босиб юборди. Москва ички ишлар бош бошқармаси вакиллари фикрича топиб олинган тўпқонча ҳодиса рўй берган жойда яқинда содир этилган буюртма қотиллик билан боғлиқ бўлиши мумкин.

● **КЕЧА** Москвада «Нима? Қерда? Қачон?» машҳур телеструнинг муаллифи, режиссёри ва бошловчиси, инфарктдан 71 ёшида вафот этган А. Ворошиловни дафн этиш маросими бўлди.

● Хитой прокуратураси сўнги пайтларда 45 мингдан ортиқ коррупция билан боғлиқ жиноятларни фож этди ва 4,7 миллиард юан (566 миллион доллар) миқдоридagi маблағни давлат ихтиёрига мусодара қилди.

● Бундан буён Европа Иттифоқи комиссияси аёллар ва болалар савдосига қарши курашни қучайтирмоқчи, деган хабарни Дойче-Велле агентлиги тарқатди.

● Австралиядан давом этаётган кучли сув тошқинлари оқибатида ўч киши ҳаётдан кўз юмди.

● Қувайтдаги ҳарбий машқлар пайтида Америка самолёти адашиб майдонга бомба ташлаб юборди. Шунинг оқибатида олти киши, жумладан тўрт америкалик ҳалок бўлди, бир қанча киши жароҳат олди.

Имконият бой берилди

КЕЧА
Ўзбекистон X миллий чемпионати олий лига жамоаларининг 2-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Ушбу турнинг марказий учрашуви «Пактор» марказий стадионинда ўтказилди. Унда майдон эгалари Қаршиннинг «Насоф» жамоасини қабул қилиб 0:2 ҳисобида имкониятни бой бердиши.

Муҳлишлар таркибиде муҳим ўзгаришлар бўлган пахтакорчилардан фақат галаба кўтишгани аниқ, «Пактор» ҳам аслида ёмон ўйнамади. Фақат жамоамиз ҳужумлари самарасиз яқунланаверди. Қаршиликлардан 17-дақиқада аввал Баҳром Хайдаров, кейин 85-дақиқада Зафар Холмуродов мезболлар дарвозасига чиройли голлар киритиб ўз жамоалари галабасини таъминлашди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Металлур» — «Сурхон» 2:1, «Дўстлик» — «Кизилкум» 1:0, «Кимёгар» — «Бухоро» 0:1, «Зарафшон» — «Андижон» 5:1, «Турон» — «Нефтчи» 0:2.

БУГУН
эса «Трактор» — «Сўғдиёна» ҳамда «Академия» — «Самарқанд-Динамо» учрашувлари билан 2-тур ниҳоясига етади. **Ақбар ЙЎЛДОШЕВ**

ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ

Фусункорлик кашф этади

Баҳор барчанинг қулфи-диллини очиши, гўзалликка чорлаши табиий. Ана шу кўркам кўкларнинг янада чирой очишига озодалик, саранжом-саришталик муҳим ҳисса қўшади.

Буни дилдан хис этган Яққасарой туманидаги «Тўқимачи» маҳалласининг 4,5 мингдан ортиқ аҳолиси айни кунларда бир тан, бир жон бўлиб маҳалла ободлиги ва кўркамлигига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Маҳалланинг кенгаши эши ўчи ҳудудларини саранжом-сариштаб, ҳовлилар, кўп қаватли турар жой бинолари, йўлаклар, қўчаларнинг ортастиғини таъминлашга саъй-ҳаракат қилишмоқда.

Кўкларнинг кўркамлиги, албатта унинг ями-яшил дарахлари, кўкларамзор ўтлоқлари, гулу чечаклари билан янада фусункор-нинг ўқувчи ва ўқувчилари ҳам озодгарчилик, кўчат ўтказиш ишларида ғайрат кўрсатишмоқда. Бу йилги Наврўзимиз айтқиси ўзгача. Мустақил юртимизнинг бағрини кенг очиб, бутун қалбидеги меҳр-оқибатни халқимизга улашиб нишонлаётган ўинчи баҳори, Наврўзи олами. Ана шунинг учун ҳам ҳар биримиз унга ўз улушимизни қўшмоғимиз даркор.

Яна шунчи ҳам айтиб ўтиш лозимки, Наврўзда маҳалла ахли катта дастурхон тўзаб, ёр-бирдорлари билан байрамни кенг нишонлашади. Маҳалланинг пазанда аёллари тайёрлаган сумалак ҳамда баҳорий томошлар, дилдаги яхши ниятлар билан янги кунга шукроналар айтадилар. Қариялар, ноғиронларнинг уйларига бориб соғва-саломлар топшириш эса энг яхши анъанасига айланган.

Дилноза ҒИЁСОВА

БИЗ ВА ҲАҶОН

Шаҳримизда янги ваколатхона

БУГУН
Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонасида Россия Федерацияси ҳукумати қошидаги Россия халқорик илмий ва маданият ҳамкорлик маркази ваколатхонасининг юртимизда очилиши муносабати билан оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда оммавий ахборот воситалари ходимлари саволларига Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Д.Рюриков. Россия халқорик илмий ва маданият ҳамкорлик маркази вакили В.Полозковлар атрафлича жавоб қайтариб, янги марказнинг фаолият йўналишлари тўғрисида маълумот бердилар.

Флора ФАХРУТДИНОВА



Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Кахрамони, халқ шоири

Кўёш шаҳри

Энг теран чашмадек тиниб, сизилиб,
Асрлар қаъридан келади хабар:
Икки минг йил бурун чайла бузилиб,
Кўрган барпо бўлди, яралди шаҳар.

Турон юлдузларин силсиласида
Чақнади яна бир кўлбола кўёш.
Улуғ шаҳарларнинг бўйсирасида
Абадий ўрнини топа олган Шош.

Тошкентим, офтобсан, Шарққа нур сочган,
Кўёшдек тутилдинг неча боралар.
Тош мағзинг чақолмай тамшаниб қочган
Неча Кутайба-ю, неча Доролар...

Ўзбекка мақтаниш одатмас, гарчанд,
Бағримни тўлғагар ушбу кун гурур:
Тошкенту Бухоро, Хевок, Самарқанд,
Хар бири жаҳоннинг безаги бўлур.

Қалбинг кўзи билан назар сол, Инсон,
Мана бу Мингүрик, манов Кўкалдош.
Мозийга битсайди забон ногаҳон,
Эрк деб кўзгаларди бунда хар бир тош.

Қадимий Насафда топдим таваллуд,
Танишдир Кушоннинг биёбонлари.
Не Бахтким, дилимга солди шеъринг ўт
Тошкентнинг сеҳрли хиёбонлари.

Фарзандман, бағрингда кезурман мен ҳам,
Сенсан менинг учун маскан мўтабар.
Тошкентдан бошланур менга ҳам олам,
Денгизлардан нари, китъалар қадар.

Не-не зилзиладан чиқолган омон
Манглайи яркироқ маконсан буюк.
Байналмилал маъво, асл қахрамон,
Жаҳон тарихида номинг бор суёк.


Ишчисан, олимсан, арбобсан, меъмор,
Сенга ҳам мунтазир боқар ер юзи.
Тинчлик деган жойда Тошкент рухи бор,
Тошкент деган жойда осойиш сўзи.

Не улуг тарихлар кечди бошингдан,
Хислатинг не эрур — олам билади:
Бугун хар буржингдан, хар бир тошингдан
Фақат дўстлик деган садо келади.

Йироқ африкалик саргашта адиб,
Бомбай ғазалхони шошар сен томон.
Эзгу ниятларнинг байроқдори деб,
Сени шарафлайди заминун замон.

Тошкентим, порлаган пойтахтсан бу кун,
Сенга ҳам мунтазир боқар ер юзи.
Сир эмас, бунчалар камолот учун
Керак бўлар эди неча асрлар.

Сен кўёш шахрисан, фаҳримсан азал,
Омон бўл ҳамиша ўзбеки ерим.
Сенсан мунис, мушфик Шарқимга ҳайкал,
Тухфа бўла қолсин сенга шу шеърим!



ШАҲАР ХҲЖАЛИГИ МАВЗУИДА

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида коммунал хизматларни ислох қилиш ва уларни замон талаблари даражасига кўтариш билан боғлиқ муаммоларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Хўш, бу борада шаҳримизда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Бу ҳақда тўхталадиган бўлсак, пойтахтимизда анчагина ишлар амалга оширилганини таъкидлаган ҳолда, ягона буюртмачи хизматини шакллантириш, уй-жой мулкдорлари ширкатлари тузиш бирмунча секинлик билан олиб борилаётганини айтиб ўтиш керак. Ўзбекистон Республикасининг «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуни асосида республика Вазирлар

баъзи бир ширкатларда хизмат кўрсатиш эскича усулда бўлиб, хонадон эгаларининг эътирозларига сабаб бўлмоқда. Бунинг устига баъзи ширкат раисларининг коммунал-фойдаланиш соҳасидан хабарлари камроқ кўринади. Баъзи бир жойларда эса коммунал хизмат кўрсатиш ходимлари етишмайди, борлари ҳам эски қолибда ишлашдан нарига ўтолмаяпти.

— Ташкил этилган ширкатлардаги аҳолининг ўзи истиқомат қилаётган уйга эгалик ҳиссининг уйғонганлиги, кўпгина ишларни ўз кучлари билан бажаришга ўрганаётганлиги, уй-жойни асраб-авайлашга эътиборнинг ортанлиги, — дейди Тошкент шаҳар ҳудудий-коммунал фойдаланиш бирлашмаси уй-жойдан фойдаланиш бўлими бошлиғи Қўчқор Халимов, — уй-жойдан фойдаланиш харажатларини сезиларли даражада камайтирмоқда ва айрим ширкатларда аҳолидан йиғилдиган фойдаланиш харажатлари нархи анча камайтиришга эришилмоқда.

Фаол ҳаракат лозим

Маҳкамасининг 1999 йил 4 октябрдаги 454-сонли қарори билан уй-жой мулкдорлари ширкатининг намунавий низоми тасдиқланган эди.

Унга кўра пойтахтимизнинг барча туманларида кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли ўртасида олиб борилган тарғибот ва тушунтириш ишлари натижасида шу кунгача шаҳримиз миқёсида 234 та уй-жой ширкатлари ташкил этилиб, фаолият кўрсатмоқда. Тузилган ширкатлар 3941 та кўп қаватли уйлардаги 214673 та хонадонга хизмат қилаётган эки бошқача айтганда ширкатларга бирлашган хонадонлар ўз уйларига ўзлари хизмат кўрсатишни ташкил қилишди. Бу кўрсаткични фоиз ҳисобиди оладиган бўлсак, шаҳарда мавжуд кўп қаватли уйларнинг 42 фоизига ширкатлар томонидан хизмат ташкил этилган. Шунингдек, яна 19 та ширкат тузиш учун ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Жойлардаги ширкатлар фаолиятини, аҳолининг уй-жой фондига муносабатларини кузатганда шу нарса кўзга ташланаптики аҳолида ўзи истиқомат қилаётган уй-жойга муносабат ўзгарган, улар ўзларини ҳақиқий уй эгалари эканини ҳис қилишиб, ободонлаштириш, майда таъмирлаш ишларини ҳақар йўли билан бажаришмоқда, уйлар ҳолатини сақлаш яхшиланмоқда. Бундан ташқари ширкат ҳудуддаги уйлардан шикоят ва аризалар бирмунча камайди, коммунал хизмат ва фойдаланиш ҳақларини ўз вақтида тўлашга ҳаракат қилинмоқда.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, айниқса, пойтахтимизнинг Акмал Икромов, Собир Раҳимов туманларидаги кўп қаватли уйларнинг барчасида ширкатлар тузилганлиги ибратлидир. Бектемир, Юнусобод, Миробод туманларида ҳам бу борада бирмунча силжишлар бор. Аммо, Шайхонтоҳур, Яқкасарой, Ҳамза туманларида мавжуд кўп қаватли уйларнинг атиги 7-13 фоизи ширкатларга бирлашганлиги бу ҳудудларда тарғибот ва ташвиқот ишларининг сустлигидан далолат беради.

Ширкатларга ўтган уй-жойларда хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган бўлсада, лекин баъзиларида, яъни ширкат тасарруфига ўтган айрим уйларнинг коммунал хизматлар учун тўланмаган қарзлари билан берилаётганлиги анчагина муаммоларни келтириб чиқармоқда. Натияжада,

Шу ўринда Сирғали тумани «Сирғали 6» мавзесида ташкил қилинган «Саид Оқилхон» ширкати фаолиятини ўрнак қилиб кўрсатса арзийди. Ширкат ташкил этилганига бир йил бўлди, унга коммунал-фойдаланиш соҳасида таърифага эга бўлган Абдумутал Ҳамдамов раис этиб сайланди. Бир йил давомида ширкатда кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди. Уйларнинг ертўдаларига темир эшиклар қўйилди, кўпгина уйларнинг томлари, йўлаклари таъмирланди ва бундай юмушлар давом эттирилмоқда. Аҳоли тўлайдиган коммунал фойдаланиш харажатлари нархи 33,61 сўмдан 25 сўмгача камайтирилди. Ушбу ширкат 31 та кўп қаватли турар жой биноларига хизмат кўрсатади.

Ана шундай ширкатлардан яна бири Акмал Икромов туманида 2000 йилнинг май ойида ташкил топган «Иқбол-Сервис» ширкати. Ширкат 45 та кўп қаватли уйнинг 2596 та хонадонига хизмат кўрсатади. Ташкил топган пайтда кредиторлик қарзлари 7.792042 сўм бўлса, шу кунга келиб ширкатнинг мuddати ўтган кредиторлик қарзлари барҳам топди. Ҳар ой якунида тўловлар ўз вақтида амалга оширилмоқда. Ҳозирга келиб ширкатда коммунал хизмат кўрсатиш учун малакали ходимлар, шарт-шароитлар, хом ашё етарли. Шу боис ҳам ширкат аҳоли ўртасида ўзини оқламоқда, бу эса ҳисоб-китоб ишларини вақтида амалга оширишда муҳим омили саналади, муаммолар ҳам вақтида ечимини топмоқда. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳудудда жойлашган «Ал-Соғуний» маҳалла ҳисобига ширкат томонидан 1 миллион сўм ажратилиб, бу маблағ 253 та кам таъминланган оилаларга коммунал-хизмат қарзларини тўлаш учун шахсий ҳисобларига ўтказилди. Ўтган ойлар мобайнида барча буюртмалар ўз вақтида адо этилгани учун бирон марта ҳам аҳолидан шикоятлар тушмади.

Бундай ширкатларнинг олиб бораётган ишларини кўпроқ тарғибот-ташвиқот қилишни, улардан ўрганишни йўлга қўймоқ, янги ташкил этилаётган ширкатларга тажрибаларидан ибрат олишни ташкил этмоқ лозим. Айни пайтда Вазирлар Маҳкамасида билдирилган танқидий мулоҳазалардан керакли хулоса чиқариб, зарур чора-тадбирларни белгилаш, уларни амалга оширишда изчилликка эришиш бугуннинг талабидир.

Шарифа ИЛЁСОВА

«Кор фармасаноат»: ЯНГИ ИМКОНияТЛАР САРИ

1997 йилдан мамлакатимизда фаолият юритиб келаётган «КОР ФАРМСАНОАТ» Ўзбекистон — Хиндистон қўшма корхонаси жамоаси эзгу ниятлар билан иш юритиб келаётган корхоналардан биридир.

Мақzur қўшма корхонанинг умумий лойиҳаси 12,2 миллион АҚШ долларини ташкил этади. У бир йилда 8 турдаги инфузион эритмалардан 6 миллион флакон ҳамда 41 турдаги 300 миллион таблетка ишлаб чиқариш имкониятига эга. Шакллар тайёрлаш, тўлдириш ва қалоқлаш учун

жиҳозлар Швейцариянинг «Ромеллаг А.Г.» фирмасидан, иссиқ суви тозаллагич Швейцариянинг «Сетинге АВ» компаниясидан олинган. Инфузион эритмалар ишлаб чиқарадиган «тоза хона»нинг монтаж ишлари Италиянинг «Никомек» компанияси томонидан бажарилган. Бундай шароит Япониядан бошқа биронта мамлакатда йўқ. Ишлаб чиқаришда «тоза хона»дан фойдаланиш юқори сифатли инфузион эритмаларни стериллигини таъминлайди. Кўрсатилган жиҳозларнинг қўлланилиши айниқса инфузион эритмалар ишлаб чиқаришда аҳамиятлидир. Чунки улар огир беморларнинг томирига юборилган дорилардир. Фарбий Европанинг замонавий технологиясини қўллаш ёрдамида тайёрланган инфузион эритмалар учун идишлар компьютер бошқарувида 5 лаҳза давомида инсон ёрдамисиз амалга оширилади. Бу эса маҳсулотнинг юқори стериллигини таъминлайди. Корхонада кимёвий, токсикология ва биологик тестларни ўтказиш учун яхши назорат ўрнатилган.

— Инфузион эритмаларни юқори сифатда эритишда, сотувага чиқаришдан олдин корхона лабораториясида 269 та тест синовларидан ўтказилади. Бу 40 дан зиёд асбоб-ускуналар Япония, АҚШ, Германия ва бошқа давлатлардан келтирилган, — деди корхонанинг маркетинг бўлими менежери Сурайё Шарипова. — Инфузион эритмаларни ишлаб чиқариш учун асосий хомашё — сув. Сув эса бошқа жойлардаги каби мамлакатимизда ҳам кўп. Уртача босимдаги полиэтиленни тайёрлаш

да Германиянинг «BASE» компанияси технологиясидан, 0,2 миқдорли фильтрни эса Англиянинг «РАИ» компаниясининг технологияси бўйича ишлатиш режалаштирилган. Бугунги кунда Ўзбекистон бозорларида инфузион эритмаларга бўлган талаб бир йилда 40 миллион флаконни ташкил этади. Шунингдек, Марказий Осиёдаги бошқа давлатлардан ҳам ана шунча миқдорда флаконларга эҳтиёж борлиги аниқланди. Шу боис, корхона фақат Ўзбекистонда эмас, балки МДҲ ва ундан ташқарида ҳам фойда олиш истиқболига эгадир. Қўшма корхонанинг тармоқлари Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларида қайд қилиниб, унда ишлаб чиқарилаётган дорилармон рўйхатдан ўтмоқда.

«КОР ФАРМСАНОАТ» қўшма корхонасининг истиқболи ва кейинги режалари ҳақида унинг президенти Бхарат Шах ўз фикрларини қуйидагича баён этади:

— Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисида яна бир бор республикада фаолият юритаётган қўшма корхоналар тўғрисида ва экспорт масалаларига тўхталиб, экспортта маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар учун янада манфаатли бўлган, уларнинг қизиқишларини янада оширадиган шароит яратиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш

кераклиги, шунингдек уларни доимий равишда экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришга рағбатлантириладиган кучли омилларни вужудга келтириш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Корхонамизда ҳам четта маҳсулот экспорт қилиш йил бошидан буён 300.000 АҚШ долларини ташкил этади. Бу йил эса маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажминини 1,0 миллион АҚШ долларига етказиш кўзда тутилмоқда.

Республика аҳолисини сифатли ва арзон дори воситалари билан таъминлаш мақсадида яқин 3 йил ичида инфузион эритмалар ҳамда таблетка шакллари ишлаб чиқариш ҳажминини кенгайтириш режалаштирилмоқда. Бу режаларимиз тўлиғича амалга

ошса инфузион эритмалар ишлаб чиқариш қуввати 6 миллион флакондан 18 миллион флаконга ошади. Айни қурада бу борадаги лойиҳалаш ишлари ва иқтисодий техник таҳлиллар бўйича ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Корхонанинг янги лойиҳаси ҳажми 17 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бундан 6,5 миллион доллар «Кларис» компанияси, 0,5 миллион доллар Узебекистон корхоналари, 6 миллион доллар Халқаро Молия Корпорацияси ва 4 миллион доллар эса «Асак» банк улуши ҳисобланади.

Албатта, корхонада янги иш ўринларини ташкил қилиш ва замонавий технологияларни амалиётга тадбиқ қилиб, маҳсулот турларини кўпайтириш фақат муваффақиятлар гарови бўлади. 2002 йилда якунланиши кўзда тутилган янги лойиҳа асосида корхонада 51 турдаги хар хил таблеткалар ҳамда 15 турдаги инфузион эритмалар ишлаб чиқарилади. Бу ўз навбатида қўшма корхонанинг умумий ишлаб чиқариш қувватини 5 миллиард сўмга ошириб, асосий дори воситалари ишлаб чиқарувчилар қаторидан ўрин олиш имкониятини беради.

Очил ҲАЗРАТОВ
СУРАТЛАРДА: корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан намуналар.





НАВРЎЗИ ОЛАМ ЯҚИН...



Минг йиллик тарихи бор, асрлар оша наслларга етиб келган баҳор ва меҳнат байрами — Наврўзнинг республикамизга кириб келишига санокли кунлар қолди.

Умуминсоният тўғриси, бутун тирлик мавжудот ҳаёти билан боғланган айрим табиий воқеалар ва қонуниятлар борки, уларни йўқотиш ёки инкор қилиш мумкин эмас, чунки бундай воқеалар объектив ҳақиқатдир. Бахтга қарши Наврўз байрамнинг устига қора чопон кийдириб, тўхтатишга уринишлар ҳам бўлади. Мустақилликнинг ҳаётбахш шамоли бундай мантқиқсиз уринишларга ўз вақтида хотима қўйди.

Ҳақиқатан, баҳорнинг илк шабадаси киши уйқусида ётган бутун борлиқни ўзининг ҳаётбахш дами билан эркалатиб уйғотганга ўхшайди. Наврўз келиши билан она табиат беқийс даражада гўзаллашиб, тоғ ва адирларда қўм-қўқ майсазорлар, қийғос очилган лолалар, чўчмуаю бойчечаклар бутун тирлик мавжудотни мафтун қилмай қўймайди. Наврўз кунлари каттаю кичик она табиат билан янада яқин бўлишга ҳаракат қилади. Бу албатта табиийдир. Чунки биз ҳаммамыз она табиат фарзандларимиз.

Баҳор фаслида табиатда содир бўладиган ўзгаришлар ўз навбатида инсон организмга ҳам таъсир кўрсатиши табиийдир. Шунинг учун бўлса керак, мана шу Наврўз кезларида турли ёшдаги кишиларнинг ўртасидаги қуйидаги «шикоятларни» эшитиб қоламиз: «Ухлаб уйқуга тўймайман», «Иш қилмасам ҳам чарчаб қоляпман», «Ҳеч қандай сабабсиз тинкам қурийди» ва ҳоказолар.

Мана шу даврга келганда аҳоли ўртасида турли хил шамоллашлар, вирусли касалликлар, томоқнинг

яллигланиши — ангина каби касалликлар кўп қайд қилинади. Мана шундай ҳолларни халқимизда «илик узилди» ибораси билан тушунтиришга ҳаракат қиладилар. Бизнингча, мана шундай ҳолатнинг келиб чиқишига бир томондан баҳор фасли-

бахор фасли ўзи билан олиб келар экан. Баҳорги қувватсизликка қарши ҳозирги кунда турли хил ошқўқлардан, она табиатнинг Наврўзга тўхфа қилиб етказган ёввойи ошқўқлардан — ялпиз, нана, жар-жар, кийик ўти, отқўлоқ, исмалоқ, семизўтлардан турли хил сомсалар, чўчвара ва мангилар, хоним каби таомлар тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Бундай таомлар аҳоли ўртасида баҳорда ку-

кўпчилик ошқўқлар таркибидаги аскорбин кислотасининг миқдори эрта тондан то тушга қадар ортиб бориб, сўнгра пасаяр экан.

Шу билан бирга организмнинг турли хил касалликларга қурашиш қобилиятини оширувчи, кўзнинг кўриш қобилиятини яхшиловчи каротин моддаси аксинча куннинг иккинчи ярмида кўпроқ йўғлар экан. Бунда куёш нурунинг таъсири катта бўлса керак. Ошқўқларни қанчалик майда қилиб тўраб, ёғ билан биргаликда пиширсангиз, улардаги каротин яхши ажралиб кўпроқ фойда келтиришини унутманг. Шунинг учун ўт сомса, мангиларга думба қўшилиши мақсадга мувофиқдир. Ошқўқларни иложи борича озода бўлган, автомобиль, поезидан, санаот корхоналаридан узокроқ жойлардан теришга алоҳида эътибор беринг, акс ҳолда уларнинг инфлоланиши, фойда ўрнига зарар келтириши мумкин.

Наврўзда маҳаллаларда она-хонларимиз томонидан кўпчилик иштироки билан тайёрланадиган сумалакни қувват дорининг ўзгираси десак муболаға бўлмас керак, чунки ўстирилган бугдой донидан тайёрланган сумалак таркибида жуда ҳам фойдали Е витамини борлиги беқийсдир. Шунинг учун минг йиллик тарихга эга бўлган талбирни қўллаб-қувватлаб, сумалак баҳордаги қувватсизликнинг олдини олиш чораларидан бири эканлигини унутманг.

Абдуваҳҳоб ТОҶИРИЙ,
Тошкент врачлар малакасини ошириш институти «Соғлом турмуш тарзи» кафедрасининг катта ўқитувчиси.

МУЛОҲАЗА

Бобом яратган боғлар

Биласизларми болалар, ёз кунларининг бирида дам билан бобомникига борганимизда, бобом бизларни боғларидаги бир супача устига ўтказиб, ўзлари бир зумда боғдаги олма, нок, ўрик, шафтолиларнинг фарқ пишганларидан узиб келиб бизларни меҳмон қилган эдилар. Мен ўшанда мевалардан маза қилиб еб, бобомдан сўраган эдим:

— Бобожон, катта кишилар қандай қилиб боғ қилади, бу дарахтларни

қаердан олиб келади?

— Ушанда бобом кулимсираб шундай дедилар:

— Бундай боғларни фақат катталар эмас, хоҳласа сен каби набираларим ҳам қилиши мумкин.

— Мен боғ яратишни хоҳлаганим билан унинг уддасидан чиқа олмайман-ку? — деди бироз хомуш бўлиб.

— Яна бобом гапларида давом этиб шундай дедилар:

— Агар мендек боғбон бўлишни хоҳласанг, ҳозирок гапимга қўлоқ солиб айтганларимни бажаришга ҳаракат қил.

Шундай деб бобом, биз еб ўтирган ўрик, шафтоли дағнағини, олма, нок уруғларини йиғиштириб алоҳида-алоҳида қоғозга ўрагач, менга узатиб:

— Шуларни бир салқин жойда сақлайсан-да баҳор келиши билан қатор қилиб уйинг атрофида ёғиб қўйсанг, сен мактабга борганинггача бу данак, уруғлар унинг чиқиб аста-секин дарахт ҳолига келиб, ҳосилга қиради, — дедилар.

Шундан сўнг баҳор келиши рота пойлаб бобом

айтганларидек, данак билан уруғларни уйимиз атрофида экиб ташлаган эдим, орадан уч-тўрт ой ўтиб, эканларим кўкариб, икки-уч қулочдан ошиб кетди. Севинганимдан уларни қандай парвариш қилишни бобомдан сўраб келиб, ҳар бирининг тагини юмшатиб, вақти-вақтида суғориб турдим. Мен мактабга бормасимдан аввал шафтоли ҳосилга кирди, кейин олма, ўрик, нок гуллаб нишона берди.

Хуллас бобом яратган боғларига ҳавасим келади. Кат-

Иқтисодиёт таълими педагогикаси

Ўзбек халқининг турмуши, маданияти ва урф-одатларига хос хусусиятларни ўргатувчи этнография фан сифатида олий ўқув юрталари ўқув дастурларидан ўрин олди. Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетида эса этнография педагогикаси бўйича ўқув машғулоти йўлга қўйилди.

Ҳақ шундаки, олий ўқув юртида «Иқтисодий таълим педагогикаси» кафедраси фаолият кўрсатмоқда. Шу ўтган қисқа вақт ичида кафедра жамоаси ўндан ортик предметдан ўқув режаси ва дастурлари тузилди. Қатор янги ўқув лекциялари бўйича муаллифлик матнлари тайёрланди.

— Бизнинг бу ишланшларимиз туфайли иқтисодий таълим педагогикаси бўйича қатор янги ўқув адабиёт-

лари юзага келди, — дейди кафедра доценти Замира Баубекова. — «Иқтисодий тарбия назарияси», «Махсус фанлари ўқитиш методикаси» каби методик ишланмалар шулар жумласидан.

«Педагогик маҳорат», «Мураббий этикаси ва эстетикаси» ўқув машғулоти бўйича яратилган дастур ва маърузалар матнлари ҳам кафедранинг ютуқлари бўлди. «Ўзбек халқ педагогикаси»га доир қўлланма иқтисодий таълим педагогикасидан талабаларга пухта билим беришда ҳам фойдали манба бўлиб хизмат қилмоқда.

— Ўзбек халқининг кўп асрлик миллий анъаналарини тадқиқ этиш устида ҳам самарали ишланшлар олиб боришмоқда, — дея сўхбатга қўшилди кафедра ўқитувчиси Мурод Баракаев. — Бунда педагогика фанлари ном-

зоди Замира Баубекованинг муносиб ҳиссаси бор, албатта. Шу ўринда унинг кўп йиллик меҳнати натижаси ўлароқ юзага келган янги дарслигини кўрсатиб ўтиш жоиздир. Олиманинг россиялик йирик тадқиқотчи Г. Волков билан ҳамкорликда яратган бу «Этнопедагогика» дарслиги кафедра қўлга киритган жиддий ютуқлардан бири бўлди. Ушбу йирик адабиёт чоп этилиши муносабати билан университетда этнография педагогикаси бўйича кўп машғулоти йўлга қўйилди.

Бугунги кунда «Янги педагогик технологиялар», «Стратегик режалаштириш», «Ўқувчилар ҳуқуқий тарбияси методикаси», «Педагогика этикаси» машғулоти ҳам кафедра ўқув дастурларига киритилди. Бўлажак педагог-иқтисодчиларнинг билим ва малакасини оширишда кафедра ҳузурда ташкил топган «Педагог-иқтисодчи» тўғраги ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

Кўришиб турибдики, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишда университетнинг иқтисодий таълим педагогикаси кафедрасининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда.

Ақбар АЛИЕВ

НАЗМ

Ҳар қадамда яшнар гуллар

Нигонинги тоғларга бур,
Яшил гилам ёпинди қир,
Сезяпсамни, дўстим ахир,
Наврўз яқин, Наврўз яқин.

Куртларда қизлар кўзи,
Лола мисол қирмиз юзи,
Ахир бу Наврўзнинг изи.
Наврўз яқин, Наврўз яқин.

Кулиб нурун сочар қўёш,
Тоғ қорлари тўқар кўз ёш,
Сепилган дон кўтарди бош,
Наврўз яқин, Наврўз яқин.

Кекса-ёшнинг кўзи порлар,
Сумалакка бизни чорлар,
Жаранглайди танбур, торлар,
Наврўз яқин, Наврўз яқин.

Қадимийдир «Наврўз» сўзи,
Лек ўн ёшга тўлар ўзи,
Кўпни кўрган халқнинг кўзи,
Наврўз яқин, Наврўз яқин.

Қиз, Момолар ёпарлар нон,
Кўк сомсалар жонга дармон,
Ҳеч бўлмасин дилда армон
Наврўз яқин, Наврўз яқин.

Она-бола соғлом бўлсин,
Кўнгли шодликларга тўлсин,
Наврўзбеклар кўп туғилсин,
Наврўз яқин, Наврўз яқин.

Ҳар қадамда яшнар гуллар,
Хонишлари зўр бўлбулар,
Юртбошимиз элни кўллар,
Наврўз яқин, Наврўз яқин.

Машрабхон
ЖУВОНМАРДИЕВА

«ОҚШОМ» НАСИБАСИ

Ҳалим

Ҳалим бугдой донидан тайёрланадиган, Наврўз байрамида ўзбек халқи дастурхонини безовчи миллий таомлардан бири.

Кўпчиликка маълумки, дон ва долни маҳсулотлар бутун дунё халқларининг кундалик овқатланиш жараёнида асосий озуқа ҳисобланади. Доннинг ҳаёт учун энг фойдали бўлган қисми куртак «илдиздир».

Ҳалимни тайёрлаш даврида доннинг барча фойдали қисми қатнашиб, таом қарбон сувларга, оқликларга ва ёлғара, гемипеллолэза, пектозанлар ва маъдан моддалари билан таъминланади. Таом таркибида вояга етган кишилар ва айниқса болаларнинг меъдаси ўсиб, ривожланиши учун зарур бўлган лизин номли эссенциал аминокислотаси мавжуд экан. Ота-боболаримиз ҳалимнинг янада тўйимли ва фойдали бўлиши учун унга гўшт солиб, ёғ, асосан ўсимлик мойидан фойдаланиб тайёрлаганлар. Натижада ҳалим киши танасидаги моддалар алмашинуви жараёни учун зарур бўлган ёғ кислоталари билан таъминланган.

Бугдой таркибидаги ҳаёт витаминларидан бўлиши Е омилли, оқликлар ва улар таркибидаги эссенциал аминокислоталар билан қилган киши танасининг иммуно ҳолатининг юқори бўлишига хизмат қилади.

Ҳалим — ҳаёт учун зарур бўлган ўндан ортик моддаларга бой бўлган тўйимли таом дейилса муболаға бўлмайди.

Азиза МУҲАМЕДОВА

Шарқ дурдоналари

Оз-Оз ўтганиб домо бўлар...

● Ўз Ватанингни фарзанди бўл. Қадрдон тупроқ билан чамбарчас боғлиқлигини теран ҳис қил, унга фарзандона муносабатда бўли, ўндан нима олсанг, юз ҳисса ортиги билан қайтар.

● Бизни она янглиғ оқ ювиб, оқ тараган Ватанин севмоқ бурчдир.

● Ўз юртидан юз ўйрган, ўз виждонидан ҳам юз ўйради.

● Ватанга хиёнат энг улуг жиноят.

● Ватандан ташқарида бахт йўқ, ҳар ким бахтини ўзи туғилиб ўсган тупроқдан изласин.

Ҳикоят:

Мавлоно Шамсиддин Буюрдики: йўловчиларнинг катта бир гуруҳи чўлда кетишгаётган эди. Каттик чанқашди. Тасодифан челақсиз бир қудуқ топиб олдилар. Ўз челақларини илга боғлаб қудуққа туширдилар. Бирок челақ қайтиб чиқмади. Аҳвол бир неча марта такрорланди. Кейин одамларни туширдилар. Улар ҳам гойиб бўлишди. Ниҳоят бир ақли одам туша бошлаган эди, қудуқнинг тубида қўрқинчи бир занжига дуч келди. Аммо ўзини йўқотмади: «Бошга келганини кўрамиз, муҳими ақлимни йўқотмайин», — деди.

Занжи: «Менинг асиримсан. Аммо саволимга тўғри жавоб берсанг, озода қиламан. Айтчи энг яхши жой қаердир?» деди.

Ақли одам ўзига-ўзи: «Мен ҳозир тутқунман. Агар Боғдод ёки бошқа ерни десам унинг яшаётган жойини ёмон деган бўламан» деб: «Энг яхши ер инсоннинг дўсти яшаётган жойдир ва бу макон ернинг остида ё сичқон тешигиде бўлса ҳам, энг хуш жойдир», — деб жавоб берди.

Занжи қувониб: «Офарин, қутулдинг. Ер юзидаги ягона инсон сенсан. Сени ва сенинг шарофатинг учун келганларни ҳам озода этаман. Бундан буён қон тўкмайман. Сенга бўлган севгим туфайли дунёдаги барча одамларни сенга бағишладим», — деди. Кейин эса бутун йўловчиларни сувга қондирди.

Байт:

Гурбатда гариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқ, меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтин қафас ичра гар қизил гул битса,
Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш.

● Ўз озолигига эришган халқ, фақат билим машъали билангина ўзининг бахтиёр келажақ йўлини ёритади.

● Ҳар ким отаси ва бобоси кўрган ва билганига қараганда кўпроқ кўриш ва билишга интилоғи лозим.

● Билим — куч, куч эса билимдир.

● Билганларимизнинг чеки бор, билмаган нарсаларимизнинг эса ҳад-чегараси йўқ.

● Инсон дунёни қанчалик билса ўзлигини ҳам шунчалик англайди.

● Донулар дейдики, гўзал китоблар ажиб нарсаларни кўрувчи кўзга, авлоқда сирдош, ёлғизликда дўст, ожизлик вақтларда ёрдамчи, ҳасратда шодлик келтирувчи, фикрларни нурлантирувчи, ўтган замон аҳволдан сўзловчи, умматлар воқеятини ҳикоя этувчи, ақли кимсаларнинг ақллари кўзларга кўрсатувчи, оз ҳақли — кўп фойдали нарсалардир. Шунинг учун китоб олмоқда бахиллик этмангиз. Лекин китоблар орасида йўқ нарсалар ёзилмиш — маъносиз нарсалар ила тўлганлариде бордир, буларни ўқимок қийматли умрни зоё этмоқдир. Шунинг учун фикрларни нурлантиражак, хулқи покларга ёрдам беражак, ақли ортиражак китоблар ихтиёр этиб, бошқаларидан йироқ бўлингиз. Фойдали китобларни ўқимок, кўнглига шодлик келтирув, фикрга озуқ бўлур, зеҳнга қувват берур...

Мутолаа инсоннинг кўзига нур, кўнглига шодлик келтирув. Ушбу сабаб учун зеҳн ҳиммати ила машғул бўлгучилар ҳарнақадар ортик бўлсаларда, ақллари семиз ва юзлари мусибатли бўлур.

Байт:

Йигитликда йиг илмининг мағзини,
Қариллик чоғи ҳарж қилғил ани.

● Ён қўшни — жон қўшни.

● Қўни-қўшничилик минг йилчилик.

● Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал.

● Ҳақли эҳтиёт бўл, қўшнининг ўғри тутма.

● Беғам бўлма, фағлатда қолма. Хали навқирон, кучли, тетик экансиз, ўзгаларга, қўшилларга яқинлик қилишни унутманг.

● Эзгулик эскирмайдиган либос.

● Чехраси очик кишининг қалби ҳам гўзал бўлади.

● Инсон фарзандининг барча маданият ва инсоний эҳтиёлларига жавоб бергучи мусулмонлик инсонда лозим бўлган бутун ҳузур манбааларини билдиради, ўргатади. Дунёда яшаган ҳар бир инсон биландики, инсонга қўшидек ас қотадиган бошқа бирон кимса йўқ. Ота-боболаримиз: «Довли олма, қўшни ол» деганлар.

Ривоят:

Ҳазрат Умарнинг ўғли Абдуллох бир кун туя сўйдилар. Унинг гўшти нимталанди. Абдуллох хизматқорларига:

— Қўшнимизни унутма, — деди. Орадан бироз вақт ўтган яна, — яқудий қўшнимизни унутмадингми? — деб сўради.

Хизматчи:

— Афандим, ҳозир айтиб эдингиз. Қўшника гўшт ажратиб қўйдик, олиб чиқиб берамиз, — деди.

Уч-тўрт дақиқа ўтиб Абдуллох хизматқорни чақирди ва «Қўшни ҳақини бердингми?» деб сўради.

Хизматқор:

— Афандим узур сўрайман. Шу пайтгача сизга итоатсизлик қилган эмасман, биласиз. Кейин ҳам қилмайман. Нега бу қўшни тўғрисида бунчалик қайғурасиз, — деб сўради.

Абдуллох:

— Қўшни ҳақи тўғрисида донолар кўп насиҳат қилганлар, ҳатто қўшни қўшнингнинг молига меросхўр даражасида бўлади деганлар, — деди.

Байт:

Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,
Ҳам жонларга малҳам дармон бўлғил.



Тошкент трамвайи — 103 ёшда

Шубҳасиз, шаҳримиз кўчаларида трамвай илк бор қачондан бошлаб қатнаганлиги тўғрисидаги саволга жуда кўпчилик ҳамшаҳарларимиз жавоб бера олмайди. Ваҳоланки, ушбу шаҳар жамоат транспортининг пайдо бўлиши ва ривожланиши — пойтахт тарихининг ажралмас қисми. Афсуски, биз бундан унчалик яхши билмаймиз. Шу сабабдан газетамиз тарихимизнинг ушбу соҳасига аниқлик киритишга аҳд қилди. Қандай қилиб дейсизми? Биз барча газетхонларни Тошкент трамвайига юз йил тўлиши муносабати билан ташкил этилаётган билимдонлар танловида қатнашишга таклиф этамиз. Албатта, саволларимизга жавоб топиш учун сизларнинг Тошкент тарихига оид турли манбаларга мурожаат қилишингизга тўғри келади. Бироқ биз муштарийларга айрим кўрсатмаларни ҳам берамиз. Гап шундаки, газетамиз ушбу ой давомида Тошкент трамвайи тарихига оид мақолаларни чоп этади. Ва улардан сиз танловнинг баъзи саволларига жавобларни топшингиз мумкин. Бинобарин, газетамиз саҳифаларидаги мақолаларни кузатиб боринг ва «Оқшом»ни диққат билан ўқинг.

Танловимизга «Тошшаҳарйўловчиган» давлат уюшмаси хомийлик қилмоқда ва у танлов қўлибларини учун қўйидаги совғаларни тайёрлаб қўйди:

1- ўрин — йил давомида (2001 йил 1 майдан бошлаб) шаҳар йўловчи транспортининг барча турлари учун бепул ойлик йўл чипталари;

2- ўрин — олти ой мобайнида (2001 йил 1 майдан бошлаб) шаҳар йўловчи транспортининг барча турлари учун бепул ойлик йўл чипталари;

3- ўрин — уч ой давомида шаҳар йўловчи транспортининг барча турлари учун бепул ойлик йўл чипталари.

Фойдаларга шунингдек, Тошкент трамвайининг 100 йиллиги рамалари туширилган қўйлак ва бош кийимлари ҳам топширилади.

Шуни ҳам эслатиб ўтамизки, агарда сизнинг хонадонингизда ўтган даврлардаги трамвайлар тасвири туширилган суратлар ёки эски йўл чипталари, бир сўз билан айтганда Тошкент трамвайи тарихига тааллуқли сақланаётган нарсалар мавжуд бўлса, илтимос бу ҳақда бизга 132-11-18 телефон орқали қўнғирок қилинг. Улар музей экспонатлари бўлиб қолиши ёки

газетамиз саҳифаларида чоп этилиши мумкин, сиз эса Тошкент трамвайининг тарихига бағишланган мақоланинг қаҳрамони бўласиз.

Шундай қилиб танловимизнинг саволлари билан танишинг:

1. Тошкентда трамвайнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлган компаниянинг номи нима эди?

2. «Конка»ни неча от тортиб юрарди?

3. Биринчи трамвай парки қаерда жойлашган эди?


4. Биринчи Тошкент трамвайи ўз салониغا қанча йўловчини сиғдирган эди?

5. Тошкентда электр билан юрадиган трамвай қачон пайдо бўлган?


6. Бугунги кунда мамлакатимиз пойтахтида неча трамвай йўналишлари мавжуд?

7. «Тошшаҳарйўловчиган» давлат уюшмаси қачон ташкил этилган?

Саволларимизга жавобни «Танлов» белгисини қўйган ҳолда қўйидаги манзил: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, «Тошкент оқшом» газетаси таҳририятига юборинг ёки ўзингиз таҳририятга келиб 224-хонага топширинг.



Санъат ва спортга ёшлиқдан ҳавас уйғонади...



ТОЙЧОҚ ТЕПКИСИ

Ҳажвия

Неварамнинг суннат тўйига тўёна қилиб олиб борган пешонаси қақша тойчоқ қарнай билан ноғоранинг овозидан ҳурқиб чап оёғининг синчалогини гарчча босиб олди. Ўғил дарров машинасига ёнбошлаб яқин ўрталдаги дўхтирхонага мени рўпара қилди. Пешонасидаги оқ сочи қалпоқнинг остидан чиқиб турган дўхтир дарров мени курсига ўтказди.

— Йее-йее секинроқ, аяхон, — деди менинг тинимсиз ихраётганимни кўриб, бошқа касалларни кўрқитиб юборасиз-а! Қани, қани, ўзи нима бўлди, аяхон?

— Ҳай, ҳай, — деди дўхтир кафтини кафтига ишқалаб, — яхшиямки от босмапти. Нақ оёқдан ажраб қолишингиз ҳеч гап эмасди.

— Ҳаром ўлгур, — дедим мен оғриқнинг зуридан баттар инграб, — гарчча босганидан кўзимдан олов чиқиб кетди.

— Эсиз, эсиз!

— Секинроқ айтасизми, дўхтиржон. — Яп-янги экан-а!

— Нимани айтаяпсиз?

— Ҳали устидаги охори ҳам тўқилмаган экан.

— Э, кўзингиз қаёқда, оёқда охор нима қилди?

— Оёқни эмас, туфлини айтаяпман, аяхон, туфлини. Юрагим туздай ачишиб кетяпти. Яп-янги туфлини расво қилипти, қасосбга рўпара бўлгур, тойчоқ!

— Э вой, нималар деяпсиз, ўзи? Туфли топиладиган матоҳ! Оёқни кўриб қўйинг. Суякларни бутунмикан.

— Топилишга топилади-я, аммо, қанақаси топилади? Ёлғиз ҳулога аён.

— Дўхтир, туфлининг яраси енгил, оёқни кўрсангизчи, дедим сабрим чидамай.

Аммо дўхтир, худди ойдан тушган матоҳдек туфлига қараб бошини сарак-сарак қилишдан тўхтамасди.

— Э, аяхон, мана бунини кўряпсизми? Уч кунда таг чарми кўчиб тушди. Уч ойлик маошимга келган оёқ кийимим бу!

Туфлини қўлимга олиб остидаги ёрлиғига қарадим.

лаб, — бош бармоқда сўғал кургур бор эди-да. Сал каттароги йўқмиди?

— Ўғлим ундан ҳам каттароқ туфлини кўтариб кирди. Дўхтир уни қўлига олиб, оёғидагини ечиб, бошқасини кийиб олди.

— Э, ўлманг, мана бу бошқа гап. Инжиқ хотин-у, кичкина оёқ кийимидан худо асрасин, деган экан донолар. Мана энди бемалол тўйда рақсга тушасан ҳам бўлади. Ҳўш аяхон, ҳалиги отми, эшакми босиб олган оёғингиз қайсиниси эди?

— Мана буниси, — дедим, лўқиллаб оғриётган оёқни сал кўтариб.

— Ҳаҳ, ҳечқиси йўқ, тўйгача тузалиб кетади, — деди у қўлигаги темир билан бармоғимни қимирлатиб. — Озгина лат епти. Мана бу чет элнинг оғриқ қолдирадиган дориси.

У, шундай деб чўнтагидан бир шиша олди-да, оёғим устига бир суяқликни пурқалди. Ҳақиқатан ҳам бир отим нос чеккунчалик вақт ўтмай оғриқ таққа қолди.

— Энди аяхон, уйга боринг-да, бинт билан боғлаб, бир-икки кун юрманинг, — деди дўхтир қўлтиғидан олиб, кўча эшикка рўпара қилар экан.

— Раҳмат дўхтиржон. Ҳой, Ҳайитали, ол анави 46-размерли туфлини.

— Э, аяхон, қўверинг. Бу ҳам сиздан бизга эсладик. Буниси йиртилса, унисини судраб турамиз. Ҳа, келиб туринлар. Айтгандай бу костюм-шим тикадиган таниш-билишлардан йўқми, аяхон.

— Мен эшик тагида тўхтаб орқага бурдидим-да:

— Бор эди, аммо худого шукрлар бўлсинким, уларнинг оёқ-қўли бутун, — дедим.

Дўхтир бўлса менинг гапимни эшитмагандек:

— Аяхон отми, эшакми оёғингизни босиб олгудек бўлса, сира тортинмай тўппа-тўғри олдига келаверинлар, — деди.

Мен эса машинага ўтирарканман, энди туя тепса ҳам бу ерни елқанин чуқури кўрсин, дедим-да, эшикни қарс этиб ёлдим. Ўғил машинага газ берди.

Жура МАҲМУД

ШИФОКОР ОГОҲЛАНТИРАДИ

Оқсил касаллиги — хавфли юқумли касаллик

Ҳозирги кунда Россиянинг баъзи бир ҳудудларида, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Хитой, Кореяда ва Англия, Франция, Германия ва бошқа Европа Иттифоқи давлатларида оқсил касаллиги қорамоллар, қўйлар ва чўққалар ўртасида тарқалган ва катта оксидий талафот кўрсатмоқда.

Оқсил ўта контагиоз, ўткир кечадиган зооноз касаллик бўлиб, уни филтэрланувчи вируслар келтириб чиқаради. Табиий шароитларда майда шохли ҳайвонлар, чўчка, туя ва ёввойи қўш туёқли ҳайвонлар касалликка чалиниши мумкин. Касаллик қисқа муддат ичида тез тарқалиш хусусиятига эга.

Касаллик иситма кўтарилиши, оғиз бўлиғининг шиллиқ пардаси, елин ва туёқлар орасида афта (пуфакча)лар пайдо бўлиши билан намоеён бўлади. Оқсил билан одамлар ҳам касалланади, айниқса ёш болалар ўта мойилдирлар. Кўшиқларда у оғиз бўлиғида, бурунда, бармоқлар орасида ва тирикчилик остида майда пуфакча (афта)лар ва баланд ҳарорат билан кечиси билан тавсифланади.

Бу касалликни кўзгатувчи филтэрланувчи вирус бўлиб, унинг бир неча турлари мавжуд. Бу турларнинг турли хил кўринишлари бор.

Оқсил вирусини чидамли бўлиб, намлик 30-40 фоиз ва ийликлик 18 даража бўлганда 2 йил, совутилган судта 15 кун, гўштада 10-12 соат, оқар судда 103 кун, хашақда 1-7 ой сақланади. Жун таркибида ва ахлатларда 1 ойгача сақланади. Биотермик усул билан зарарсизлантирилган гўнг таркибида эса 10-15 кунгача аяш олади.

Касаллик кўзгатувчисининг асосий манбаи касал ва касалланган тузалган ҳайвон ҳисобланади. Вирус организмда ривожланиб, кўпайди ва касал ҳайвоннинг сўлағи, нажаси, сўти орқали ташқи муҳитга ажралиб чиқади. Касалдан тузалган моллар ҳам вирус ташувчи бўлиб қолади. Чунки қорамоллар қонида 158 кунгача вирус ташувчанлиги кузатилади.

Вирус организмга асосан оғиз орқали тушиб, шиллиқ пардадан ўтади. Бундан ташқари, туёқнинг юқори қисмидаги тери, туёқлар оралиғи ва елин орқали организмга киради. Тўқима ва ҳужайралар бир бутунлигининг бузилиши юқш жараёнини тезлаштиради. Касалликнинг бир неча йўллари билан юқши, вируснинг юқши омилининг беҳад қўпчилиги оқсилнинг бирданига кенг тарқалишига сабаб бўлади. Оқсил эпизоотологияси йилнинг ҳар қандай фаслида учирайди. Шунини айтиш керакики,

вирус совуқ киш, баҳор, куз ойларида кўпроқ учраши мумкин. Бундан ташқари бу мавсумда озука танқислиги, молхоналардаги совуқлик, намгарчилик ҳам оқсилнинг тарқалишида маълум аҳамият касб этади. Четдан моллар келиб қўшилиши касаллик келиб чиқишининг асосий сабабларидандир.

Касалланган ҳайвон, соғлом ҳайвонларга, уларни бе-восита боқадиган шахсларга эпизоотик оқсил хавф тугдирди. Ҳайвонларда клиник белгилар ҳам пайдо бўлмасдан касаллик вируслари сут, сўлак, нажас, пешоб орқали ташқи муҳитга ажралиб чиқади. Натихадат атроф-муҳит зарарлантиради.

Одамларга касаллик касал ҳайвонларнинг ҳом сўтини, сут маҳсулотлари истеъмол қилиш натижасида юқши мумкин. Шунингдек, мол боққилдан ва бошқа сабабларга қўра пайдо бўлади.

Оқсил касаллигининг дунёда катта эпизоотия сифатида ўтиши 1910-1912, 1919-1921, 1937-1947, 1950-1954 йилларда кузатилади. Бу касаллик бутун дунёдаги мамлакатларда қайд қилинган, фақат Янги Зеландияда қайд қилинмаган. Оқсил касаллиги ҳар йили дунё мамлакатларининг 50 тага яқинида қайд қилинади. Жанубий Америка, Африка ва Осиё давлатларида деярли ҳар йили учирайди.

Европа қўшни давлатларида вужудга келган оқсил касаллиги бўйича мураккаб эпизоотик вазиятни инобатга олиб, Тошкент шаҳар Давлат ветеринария бошқармаси томонидан жорий йилнинг ўтган 2 ойи мобайнида ветеринария хизмати мутахассислари томонидан хонадонма-хонадон юриб, реждадаги 7600 бош йирик шохли моллар ўрнига 8456 бош моллар аниқланиб, оқсил касаллигига қарши эмланди.

Тошкент шаҳар ҳокими томонидан 2000 йил 30 июнда тасдиқланган «Тошкент шаҳри худудига ўта хавфли оқсил касаллигининг четдан кириб келиб, тарқалиб кетишининг олдини олиш мажмуавий чора-тадбирлар тўғрисида»-ги режасига асосан Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология ва ветеринария хизмати томонидан ҳамкорликда чора-тадбирлар

амалга оширилмоқда. Чунонки, шаҳар худудида фаолият юритаётган қушхоналарга сўйиб сотиш мақсадида вилотлардан келтирилган чорва молларининг соғломлигини тасдиқловчи ветеринария маълумотномаларисиз қабул қилмаслик, чорва молларини сўйишдан олдин клиник кўриқдан ўтказиб, тана ҳароратини ўлчаб, сўнг сўйиш йўлга қўйилди. Сўйилган чорва молларини тулик ветеринария-санитария экспертизасида ўтказиш мақсадида ҳар бир қушхонага ветеринария врачлари бириктирилган. Қушхоналарда етарли дизайнли фантлар заҳираси мавжуд. Қушхона хизматчиларини ишга тушишдан олдин ва даврий тиббий кўриқдан ўтказиш йўлга қўйилди.

Тошкент шаҳар деҳқон бозорларида ветеринария-санитария экспертизаси лабораторияси ҳодимлари томонидан бозорларда чорва маҳсулотлари орқали оқсил касаллиги тарқалишининг олдини олиш мақсадида:

- чорвачилик маҳсулотларини ветеринария-санитария экспертизасидан қайта тулик ўтказиш ташкиллаштирилган;
- чет давлатлардан гўшт-сут ва уларнинг маҳсулотларини олиб келиб сотиш тақиқланди.

Оқсил касаллиги тарқалишининг олдини олиш мақсадида туман давлат ветеринария инспекторлари, ички ишлар бош бошқармаси қарантин кўриқлаш ҳодимлари билан биргаликда мол бозорларида мол хайдаб ўтиладиган йўллари, қушхоналар, чорва маҳсулотлари ва ҳом ашёсини сақлаш, қайта ишлов бериш корхоналарида санитария-гигиена ва ветеринария-санитария талабларига риоя қилиш бўйича доимий назорат кунайтирилди.

Тошкент шаҳар Давлат ветеринария бошқармаси томонидан Тошкент шаҳар ҳокимининг «Одамлар ва ҳайвонлар ўртасида учрайдиган касалликларнинг профилактикаси ва уларнинг Тошкент шаҳри худудига четдан кириб келишининг олдини олиш тўғрисида»-ги Карорининг ба-жарилишини таъминлаш бора-сидаги ишлар давом эттирилмоқда.

Мухсин ХАСАНОВ,
Тошкент шаҳар Давлат ветеринария бошқармасининг бошлиғи.

«Тошкент оқшом» Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд қунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан кўпловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.
Факс: (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ: МАНБУТЧИЛАР КҲАСАТИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Ўзбек давлат цирки» республика бирлашмаси

2001 йилнинг 21 мартдан бошлаб

НАВРЎЗ 2001 ЦИРК «ЮЛДУЗЛИ ЙЎЛ» КАТТА БАЙРАМ ДАСТУРИ

ҚАФАС ТАШҚАРИСИДАГИ ЙЎЛБАРСЛАР АЙИЧЛАР ДИСКОТЕКАСИ КАВКАЗ БЎРИСОСЛАРИ МАЙМУНЛАР «НИЙТИЛАР»

Томошлар бегим кўнлари соат 12 ва 15 да шанба ва якшанба кўнлари соат 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади.

Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади.

Чипталар цирк касалари ва туман кассирлари томонидан сотилади.

Касса соат 9 дан ишлайди

Маълумотлар учун телефонлар: 144-32-23, 144-29-04.

«Ўзбек давлат цирки» республика бирлашмаси

Тошкент 9 февралдан бошлаб

цирқда биринчи марта

МАСХАРАБОЗЛАР ПАРАДИ

КЎЛГИ, КЎЛГИ, КЎЛГИ

УНТА МАСХАРАБОЗ УНТА МАСХАРАБОЗ УНТА МАСХАРАБОЗ

ХАЛҚ АРТИСТИ ОЛЕГ ПОПОВНИНГ МАКТАБИ

ўргатмаган ҳайвонлар иштирокида икки бўлимдан иборат ранг-баранг дастур

Цирк ҳафтасига уч кун ишлайди.

Томошлар: жума кўнлари соат 18.00, шанба ва якшанбада 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади.

Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади.

Чипталар цирк касалари ва туман кассирлари томонидан сотилади. Ҳақ турлича усулда тўлашни мумкин.

Касса эрталаб соат 9 дан ишлайди.

Маълумот учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд қунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан кўпловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.
Факс: (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ: МАНБУТЧИЛАР КҲАСАТИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

Юнусобод тумани ҳокимлиги томонидан 2000 йилнинг 28 июлида Камила Халилходжаева Сазоата номига берилган № 1012776-рақамли яқна тартибдаги тадбиркор гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Молия бош бошқармаси жа-моаси Акмал Икромов тумани молия бўлимининг мудири Насрулла Фатхуллаевчи Жураевга падари бузруквори

Фатхулла ЖУРАЕВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Корхоналарни рўйхатга олиш бошқармаси жамоаси бошқарманинг Бектемир туман бўлими бошлиғи

Абдухалил Манапович НАБИЕВНИНГ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила-сига, фарзандлари ҳамда қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ

тўғилди.

Чолми бу, бульдозерми?

Нахавранга исмли чолни қишлоқдошлари «танк» деб аташади. Чунки у йўлида учраган машиналардан ҳам кўрқмай тиккасига бора-вереди. Катта тезликда келаётган машиналарни уриб ағдарворида. Албатта, бу ҳолатда у ён томонда турган бўлади. Ўрта ёшдаги одамлар қимирлата олмайдиган дарахларни илдизи билан кўпориб ташлайди. Жаҳли чиқиб турган пайтда одамлар унга рўбарў келиб қолмасликка ҳаракат қилишади. Айни тобита келганида бир уриб, салкам бир тоннали буқани ағана-тиб юборган, дейишди. Чол ҳозирда 82 ёшда.

Ақула йигит

Над исмли йигит сувда худди балиқдай ҳаракат қилади. Денгиз сувида кун бўйи юриши мумкин. Бу вақтда у икки-уч бор нафас ростлагани сув юзига чиқиши мумкин, холос. У кўп вақтини денгиз остида ўтказди. Над қарийб йигирма йилдан буён сув остида юради. Шунча йил давомида юздан ортиқ ақула билан олишиб, уларни ўлдирган. Над дельфинлар билан узоқ-узоқларга сузиб боради. Океанда эса китлар билан дўст тутиган. Йириқча ақулар йигитнинг шарпасини сезишлари билан шарт орқага бурлиб қочиб қолишди. Чунки улар Наднинг қўлида ҳалок бўлишларини олдиндан сездилар. Наднинг денгиз тубида юзлаб дўстлари бор.

Кўршапалак... ейсизми?

Халқимизда кўршапалакнинг қонини ва гўштини даво сифатида ишлаб келинади. Хитойда эса кўршапалакхўр одам бор. Умрида десак ёлғон бўлар, аммо 15 ёшидан бошлаб фақат кўршапалак билан тирикчилик қилади. Шунинг учун у кундузи ухлаб, кечалари овга чиқади. Табиб сифатида уйда ҳар кун би бир соат беморларни қабул қилади. Беморларга кўпроқ кўршапалак олиб келишни буюради. Унинг овқати фақат кўршапалак. Сув ва кўршапалак гўштидан бошқа тирикчилик қилмайди.

Ошқозонни ёки бочка...

Қойил қолмай иложи йўқ. Эстернинг ошқозони нақд пиво бочкасини эслатади. Эстер ёшлигидан сувни кўп ичарди. Кўпинча у овқат ўрнига ҳам сув ичиб юрарверди. Бориб-бориб дастлаб 5 литр, сўнг 8 литр, ниҳоят 10 литр сувни бир кўтаришда ичиб юборадиган бўлди. У шунча миқдордаги сувни бир неча соат ошқозонда сақлаб туриб, бирор граммни ҳам камитмай қайта тўкиб юбора олади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ

тўғилди.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кўнлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қроғз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшом»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.